

**НАМАНГАН МУЗЕЙИ ЗАЛЛАРИ БҮЙЛАБ**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейини*

*катта илмий ходими: ЗУЛФИЯ КОМИЛОВА*

Тарихий манбаалардан маълумки Ўзбекистоннинг кўплаб худудларида қадимдан темирчилик ва мискарлик хунармандчилиги ривожланиб келган. Ўзбек аъмалий санъатининг бир тармоғига айланган турли металлардан буюмлар ясаш хунарининг тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Наман-ган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи хазинаси фондида ҳам бошқа музейлардаги каби мисдан ишланган қадимий уй-рўзғор буюмлари тўпламлари сақланиб келмоқда ва доимий равишда экспозитциялардан жой олмоқда. Жумладан бундай экспонатлар орасидаги мискўза, миссамавар, мис чайнак, мис пиёла, мис самавар, мисқумфон, мисобтоба, мискоса, самаварқумфон, мистоғора, мислаган, миссузғич, мискўза, мис чўмич, мис кабгир, мисқозон, мис мантиқозон кабилар бача зиёратчилар учун доимий қизиқиши уйғотади. Бундан ташқари музейдаги мисгарлар ишлатиладиган асбоб ускуналар жамланмаси алоҳида қизиқиши уйғотади. Экспозитциядан жой олган бундай асбоб ускуналар ғоятда қадимийлиги билан биргаликда отабоболаримиз хунармандчилиги млумотларини очиб беради. Хар бир уй-рўзғор буюмининг тарихини билиш ташриф буюрганларнинг ёшидан қатий назар янгидан – янги саволларга жавоб олишга интилишлари бежиз эмас. Металлга бадиий ишловлар бериш усуллари азалдан ривожланиб келган. Манбааларга кўра мискарлик хунармандчилигига мисдан бадиий буюм ясаш Ўзбекистонда милоддан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида асос солинганлиги кўрсатилган. Бу борада турли асарларда, чизгиларда тасвирлар мавжуд. Қадимий тасвирларни кузатадиган бўлсак, 6-7- асиrlарда мис буюмлар, носимон кўринишни ҳосил этган кўзалар учрайди. Демак мискарликнинг дастлабки элементлари узоқ асрларни ўз

ичига олган экан. Ўзбекистонлик мискарлик хунарманд усталари қадимдан бери ота-боболари томонидан анъанавий давом этиб келаётган уй-рўзғор буюмлари билан бирга “бўртма” . “ чекма” , “ ўйма “ усулларининг янги кўринишларини ҳам яратиб бордилар. Бу борада 11-аср ўрталаридағи Мовароуннахр аъмалий санъати яъни кандинорлик буюмларини анъанавий усуллар билан уйғунлашиб бориши мискарликни санъат даражасига кўтара олди. Бу даврда асосан ислими, ҳандасавий ва баъзан ҳайвонлар шаклларидағи гуллар, яна хаттотлик ёзувлари ҳам муҳи рол ўйнади. Музейларда сақланаётган 11-12- асрларга оиб буюмларда ҳайвонларни овлаш жараёнлари, сув жониворлари асосан балиқлар кўпроқ тасвириланганинигувоҳи бўламиз. Илк ўрта асиirlарда кандинорлари “ислими”, “грих”, “куфий “ , насҳ усуллари асосида буюмларни ярати боришиди. 19-асрга келиб, Ўрта Осиё кандинорлари орасида маҳаллий кандинорлик аста мактаблари пайдо бўла бошлади. Мис ўймакорлиги хунармандчилигига кўплаб йўналишдаги усталарнинг ихтиrolари бўлган. Мисгарлар қизил ёки сариқ мисдан идишнинг танасини ясаганлар ва ички қатламини қалай қоришимаси билан сирлаб чиққанлар. Мискар усталарнинг давомчилари риҳтагарлар эса мискарларнинг ясаган буюмларини тутқичларини, қопқоқларининг дасталарини, жумракларини, очиб ёпиладиган ошиқ-мошиқларини алоҳида ясашган. Юқоридаги ишлар мискар ва риҳтагарлар томонидан бажарилгандан сўнг, кандалорларга навбат келади. Улар буюмларга зарб ва ўймакорлик билан безак беришган. Узун, ичи бўш идишларга зарб билан нақш солиш пайтида уларнинг ички томони шиббаланган қум ёки латталар билан тўлдирилган. Зарб билан нақш солиш ўта нозик хисобланган меҳнатdir. Улар турлича турдаги қаламлар, болғачалар билан, шунингдек маҳсус асбоб-ускуналар билан яъни ранда ва масколлар ёрдамида нақшлар солишган. Музей хазинасидаги ва экспозитцияларидағи буюмларни кузатар эканмиз асрлар давомида буюмларнинг турли шакллари, уларга безак беришнинг жуда кўп усуллари ва турлари ихтиро этилган. Ён томонлари

қирраланган, бурмаланган, бўртма ёки силлиқланган шарсимон, ноксимон, цилиндирсимон идишлар мавжудлигини кузатишимииз мумкин. Танасининг кўриниши бир хил бўлган баъзи идишларни бўйинчалик, тагликлари, тутқичлари ва жумракларини шаклларига қараб бир-биридан фарқланганини кўрамиз. Ўзбекистон хунар-мандлари томонидан ясалган буюмлардамахалий хослик, безак бериш усулларининг ўзига хослиги намоён бўлиб туради. Аслини олганда ўймакорлик усуллари дастлаб бир хил бўлган, уларнинг ўйишдаги чуқурлиги билан фарқланишга олиб келган эди. Фарғона водийси кандакорлиги унча чуқур бўлмаган, бироқ ўйма нақшларининг аниқлиги, заминга ишлов бериш усуллари ва нақшлар сиртининг хилмачиллиги билан бошқа хунармандлар ишларидан фарқ қилиб ткради. Турли манзиллар кандикорлик буюмларига назар соладиган бўлсак, масалан Бухоро кандикорлари кўплаб қадимий шакллар ва анъанавий нақшлар ишлатишган. Самарқанд чой идишларида эса гулли нақшлар кўпинча тўртбурчак мотивларини хосил этган. Қарши ва Шахрисабз усталари ясаган буюмлар шакл ва безакларининг турличалиги билан ажралиб туради. Хива атрофидаги кандикор усталар эса анъанавий нақшлари билан ўз мактабларини яратадиган. 18аср охирлари ва 19-асрнинг бошларига келиб турли буюмларга Қурон ёзувлари, даволашда ишлатиладиган дуолар чеканка усулида ўйиб ёзиш урф бўла бошлайди. Булар асосан гулли нақшлар, геометрик ва зооморф шакллари, айниқса чирмасиб ўсадиган гуллар навларининг банд қисимлари, гуллар, барглар ислимиий нақшлар усулларида яратилган. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг хазинасидаги умумий олганда бадиий метал ишлов берилган буюмлар, ўйма ва қадама нақш солинган чой идишлар, обдаста, офтоба, мис лаъли, табиий қовоқ ўсимлиги юзасига мисдан ишларган қопламали чилимлар, диний маросимлар учун исириқдонлар, пардоз-андоз буюмлари, турли катталиқдаги метал саддиқчалар шулар жумласидандир. Музейининг жамланмасида нафақат

Ўзбекистонлик хунармандлар ишлари, балки Россиядан келтирилган “Тула” самававарлари, сувдонлар, хочлар, Эрон,Хиндистон,Хитой усталарининг зооморф, антроморф ва самовий мотивлар боғлиқ ранг-баранг усулларда безатилган буюмлар ҳам ўрин олган.Бугунги кунда музей экспозитциялари ва кўргазмаларида мисдан ишланган пухта илмий ўргани-либ, каталогларга киритилган буюмлар намоиш этилмоқда. Бундай мискарлик, кандикорлик, риҳтакорлик хунармандчилиги буюмлари орқали биз Марказий Осиё халқларининг энг қадимий ва бой маданиятини, отабоболаримиздан қолган маданий меъросларимизни кенг оммага етказиш имкониятларина эгамиз.Шунингдек музейлар тарихи, уларнинг ижтимоий вазифалари, музейлар ва музей тадқиқотлари фаолиятига оид барча ўзига хос томонларини ўрганишда, музей буюмларини жамлашда,илмий тавсифлар бериш, турли ёшдаги зиёратчиларга сифатли экскурсиялар хизматларини кўрсатишда миллий хунарманчиги наъмуна асори-атиқаларининг ўрни бекиёс катта ҳисобланади.



